



ҚУРИЛИШ ВА УЙ-ЖОЙ КОММУНАЛ ХЎЖАЛИГИ ВАЗИРЛИГИДА



“ЎЗБЕКИСТОН – 2030” стратегияси ҳамда Давлат дастури ижросига бағишланган йиғилиш



Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлигида вазир ўринбосари Давронжон Адилов бошчилигида “Ўзбекистон – 2030” стратегияси ҳамда 2024 йилга мўлжалланган Давлат дастури ва мақсадли дастурлар ижросининг боришини муҳокама қилишга бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди. Унда Олий Мажлис Сенатининг Бюджет ва иқтисодий ислохотлар масалалари қўмитаси раиси Эркин Гадов, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси, Саноат, қурилиш ва савдо масалалари қўмитаси раиси Нодир Жумаев ҳамда “Тараққиёт стратегияси” маркази ижрочи директори Элдор Туляков, шунингдек, ОАВ вакиллари, Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги марказий аппарати ва онлайн тарзда ҳудудий бошқармалари, хусусан, “Шаҳарсозлик хўжаликларини экспертиза қилиш Республика маркази” ДМ экспертлари, Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида назорат қилиш инспекцияси мутахассислари, Техник метёраш ва стандартлаштириш илмий-тадқиқот институти ва бошқа тизим ташкилоти вакиллари иштирок эттишти.

Йиғилишни Д. Адилов кириш сўзи билан очиб, “Ўзбекистон – 2030” стратегияси ва 2024 йилга мўлжалланган Давлат дастури бўйича амалга оширилган ишлар ҳамда келгусида бажарилиши лозим бўлган вазифаларга тўхтади.

Кўп квартиралли уйлари реновация қилиш бўйича қонуний асосларни яратиш юзасидан “Реновация тўғрисида”ги қонун лойиҳаси ишлаб чиқилди. Маҳаллий ҳокимликлар билан биргаликда авария ҳолатидаги ва маъна эскирган кўп квартиралли уйлари реновация қилиш орқали аҳолининг яшаш шароитларини янада яхшилаш мақсадида манзилли рўйхат шакллантирилди. “2024 йилда ипотека кредити механизмларини такомиллаштириш ва аҳолининг уй-жой шароитларини яхшилашга оид чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармон лойиҳаси ишлаб чиқилди. Ноқонуний ва сифатсиз қурилишлар билан курашиш бўйича Сингапур тажрибаси ўрганилиб, ушбу давлат тажрибасини чуқур таҳлил қилган ҳолда тақлифлар шакллантирилди. Ноқонуний ва сифатсиз қурилмаларда сейсмиқ, санитар ва хавфсизлик муаммоларини бартараф этиш мақсадида қонунбузарликларга қарши таъсирчан чораларни қучайтириш бўйича қонунчилик хўжатларига тегишли ўзгаришлар киритиш юзасидан тақлифлар киритилди.

Иштирокини жорий этиш чоралари тўғрисида “қарор лойиҳаси ишлаб чиқилиб, Вазирлар Маҳкамасига киритиш учун тайёрланмоқда.

Ижтимоий соҳа ва инфратузилма объеклари қурилиши йўналишида ишлаб чиқилган манзилли дастурга мувофиқ, 1 896 та қурилиш-таъмирлаш ишларини бажариш белгиланган. Мазкур мақсадлар учун 20,4 трлн сўм маблағ ажратиш кўзда тутилган. Ушбу объекларнинг 1 675 тасини жорий йилда фойдаланишга топшириш режа қилинган. Ҳозирда 1 808 та объекта молиялаштириш очилиб, қурилиш-таъмирлаш ишлари олиб борилмоқда. Бюджет маблағларидан оқилона фойдаланиш мақсадида мактаблар, боғчалар, ихтисослашган мактаблар, соғлиқни сақлаш, спорт ва бошқа тоифадаги объектларнинг лойиҳалари қайта кўриб чиқилиб, энергия тежамкор, замонавий лойиҳавий ечимлардан фойдаланиб келинмоқда. Натيجада лойиҳа-смета хўжатларини қайта кўриб чиқиш ва оптималлаштириш ҳисобига ижтимоий соҳа объектилари бўйича 1 трлн 364 млрд сўм иқтисод қилинди. Бугунги кунда дастур бўйича бажарилган ишлар ҳажми 6,6 трлн сўмни ва молиялаштириш ҳажми 7,1 трлн сўмни ташкил этмоқда. Натияжада 128 та ижтимоий соҳа объектида ишлар тўлиқ якунланди. Йил якунига қадар 1 547 та объектни фойдаланишга топшириш режалаштирилган.

“Янги Ўзбекистон” массивларини барпо этиш ва кўп қаватли уйлар қурилиши йўналишида ҳам қатор мақсадлар белгиланган. 2024 йил 30 апрелдаги 70-сон Президент Фармони билан жорий йилда 100 мингдан ортиқ хонадонли кўп қаватли уйлари қуриш кўзда тутилган. Мазкур топшириқ ижросини таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамасининг 106-сон баёни билан 101 минг 281 та квартирадан иборат 2 152 та уй қуриш бўйича манзилли рўйхат тасдиқланган. Унга кўра, 52 та “Янги Ўзбекистон” массивида 31 минг 317 та хонадондан иборат 772 та уй, талаб юқори ҳудудларда тадбиркорлар томонидан 69 минг 964 та хонадондан иборат 1 380 та уй қурилади.

Биринчи ярим йилликда 20 мингта хонадондан иборат уйлари фойдаланишга топшириш мақсад қилинган бўлиб, ҳисобот даврида белгиланган режа 96 фоизга бажарилди. 19 минг 384 та хонадондан иборат уй топширилди. Иккинчи ярим йилликда 81 минг 897 та хонадондан иборат 1 748 та уйлари фойдаланишга топшириш режа қилинган. Бундан ташқари, “Янги Ўзбекистон” массивлари инфратузилма ва муҳандислик тармоқлари қури-

лиши бўйича 800 млрд сўм ҳажмда ишлар бажарилиши режалаштирилган.

Кўп квартиралли уй-жой фондини қузқин мавсумига тайёрлаш йўналишидаги вазифалар ҳам кўп. Вазирлар Маҳкамасининг 6 июлдаги 388-сон қарорига мувофиқ, жорий йилда 5 409 та кўп квартиралли уйлари таъмирлаб, қуз-қиш мавсумига тайёрлаш зарур. Бунинг учун бошқарув ташкилотларининг 149 млрд сўм маблағлари жалб қилинади. Бугунги кунда бошқарув органларида 17 мингдан ортиқ зарур техника ва ускуна, 12 мингта ақин ишчи-ҳодим мавжуд. Ҳисобот даврида бошқарув органлари томонидан кўп квартиралли уйлarga 613 млрд сўмлик хизматлар кўрсатилган ва 424 млрд сўм мажбурий бадаллар ундирилган. Ушбу маблағлар ҳисобидан 2 292 та уй таъмирланди.

– Сир эмас, охириги 7-8 йилда юртбошимиз бошчилигида ижтимоий-иқтисодий ислохотларни янада чуқурлаштириш бўйича кўпмақсадли ташаббусларга кўл урилди, – деди Д. Адилов. – Хусусан, қурилиш ва уй-жой коммунал соҳада ҳам тўлиқ ислохотлар амалга оширилмоқдаки, мазкур ишлар замирида аввало халқ манфаати бирламчи вазифа сифатида белгиланмоқда. Барча дастурлар доирасида олдимизда турган вазифалар ва мақсадли кўрсаткичлар аниқ, ушбу ишларни амалга ошириш учун бизга Раҳбарият томонидан барча имконият ва шарт-шароитлар яратиб берилган. Бунинг учун масъулиятни оширишимиз ҳамда барча куч ва ресурсларимизни сафарбар этишимиз керак. Фақат шундагина натижага эришамиз.

Шунингдек, “Тараққиёт стратегияси” маркази ижрочи директори Элдор Туляков, Олий Мажлис Сенатининг Бюджет ва иқтисодий ислохотлар масалалари қўмитаси раиси Эркин Гадов, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Саноат, қурилиш ва савдо масалалари қўмитаси раиси Нодир Жумаев сўзга чиқиб, “Ўзбекистон – 2030” стратегияси ҳамда 2024 йилги Давлат дастурлари мақсадлари, устувор йўналишлари ва вазифаларининг мазмун-моҳияти хусусида тўхталиб ўтди. Хусусан, вазирлик томонидан амалга оширилаётган ишлар юртимиз ривожига алоҳида аҳамиятга эга экани таъкидланди.

– Ўзбекистонда амалга оширилаётган ислохотларнинг негизида инсон кадрлари ва манфаатлари муҳассам, – деди Нодир Жумаев. – Шу маънода, қурилиш соҳаси муҳим “драйвер” эканини таъкидлаш лозим. Бунда асосий мақсад – аҳоли фаровонлигини ошириш, яшаш тарзини яхшилаш, атроф-муҳит муҳофазасини таъминлаштириш.



Франция пойтахти Париж шаҳрида XXXIII ёзги Олимпия ўйинлари тоборо қизгин паллага кирмоқда. Дзюдо бўйича вазин 52 килограммгача бўлган аёллар ўртасидаги беллашувлар ниҳоясига етди. Унда мамлакатимиз шарафини ҳимоя қилган Диëра Келдиëрова барча рақибларини мағлубиятга учратиб, олтин медалга сазовор бўлди ва ушбу медал мамлакатимиз хотин-қизлари ўртасида Олимпия ўйинлари тарихидаги биринчи олтин медал сифатида тарих зарварақларига олтин харфлар билан битилди.

Диëра Келдиëрованинг ушбу муваффақияти замирида мамлакатимизда аёллар спортини ривожлантиришга қаратилаётган катта эътибор муҳассам. Илгари хотин-қизларимизнинг халқаро мусобақаларда иштироки эътибори тасаввур қилиб бўлмас эди. Бундай нуфузли мусобақалардаги ғалабалар ҳақида гап ҳам бўлиши мумкин эмас эди. Бугун эса бари ўзгача, хотин-қизлар нафақат спорт, балки бошқа соҳада ҳам анча илгор ва юрт шарафини дунё узра янада юксалтирмоқда.

Дзюдочи қизимиз Диëра Келдиëрова 1998 йил 13 июль кунини Самарқандда таваллуд топган. Олти ёшида дастлаб самбо, кейинчалик дзюдо спорт тўғрисида шугулланишни бошлади. Туман, шаҳар ва вилоят миқёсидаги спорт мусобақаларида тоғлиниб, ўзи устида тинимсиз меҳнат қилди. 2013 йили Диëра Хитойнинг Нанкин шаҳрида ўтказилган ўсмирлар ўртасидаги Осиë ўйинларида 44 килограмм вазин тоғлиниб олтин медални кўлга киритди. 2016 ва 2018 йилларда дзюдо бўйича ёшлар ўртасидаги Осиë чемпионатида ҳам бронза медалларига сазовор бўлган.

2016 йил Тошкентда катталар ўртасида ўтказилган Гран-при мусобақасида финалга қадар барча рақибларини енгиб, кумуш медал соҳибига айланди. Шу йили Президент қарори билан Диëра Келдиëрова Зулфия номидаги Давлат мукофотиغا сазовор бўлди. 2018-2022 йилларда ўтган жаҳон ва китба биринчиликлари, Гран-при ҳамда “Катта дубулга” турнирлари, Осиë ўйинлари каби бир неча нуфузли мусобақаларда бир қатор медаллар шодасига эга чиқди.

Диëра Келдиëрова 2023 йилда Катарнинг Доха шаҳрида ўтказилган жаҳон чемпионатида кумуш, Грузия ва Мўғлистонда бўлиб ўтган “Катта дубулга” мусобақаларида олтин ва бронза медал соҳибига айланди. Хитой мезбонлигидаги Осиë ўйинларининг дзюдо мусобақаларида барча рақибларини енгиб, Осиë ўйинлари соҳибига айланди ва делегациямизга илк олтин медални келтирди. Шунингдек, аралаш жамоавий баҳсларда кумуш медалга сазовор бўлди.

Жорий йилги мавсум ҳам дзюдочимиз учун муваффақиятларга бой бўлди. Дастлаб, Португалияда дзюдо бўйича ўтказилган Гран-при мусобақасида, сўнгра Озарбайжоннинг Боку шаҳрида ўтган “Катта дубулга” турнирида олтин медални кўлга киритди. Яна бир аҳамиятли жиҳати, ушбу ғалабалар эвазига Диëра жаҳон рейтингини пешқадамга айланди. Гонконгда катталар ўртасидаги Осиë чемпионатида бронза медал билан тақдирланди. Бирлашган Араб Амирликларида ташкил этилган жаҳон чемпионатида иккинчи ўриндан жой олди.

Шу каби нуфузли мусобақаларда тоғлиган Диëра Олимпия ўйинлари арафасида бир неча халқаро ўқув-машғулот йиғинларида “Париж – 2024” Олимпиадасига тайёрланди. Давлатимиз раҳбарининг “2024 йил Париж шаҳрида (Франция) бўлиб

ўтадиган XXXIII ёзги Олимпия ва XVII Паралимпия ўйинларида Ўзбекистон спортчиларини комплекс тайёрлаш тўғрисида”ги қарори бунда муҳим дастуриламал бўлди.

Оқори даражадаги тайёргарлик ва олдига қўйилган улкан мақсад ўз самарасини берди.

Тўрт йилликнинг энг нуфузли мусобақасида Диëра Келдиëрова ўз иштирокини 1/18 финал босқичидан бошлади. Дзюдочимиз илк баҳсда тўрт қарра жаҳон чемпиони ва Олимпия ўйинлари ғолиби, 5 йилдан буён мағлубият нималигини билмай келлаётган япониялик Ута Абега қарши баҳс олиб борди. Мазкур беллашувда Диëра кучли рақибини иппон эвазига енгиб ва рақибини аренани кўз ёшлар билан тарқ этишга мажбур қилди.

Диëра Келдиëрова чорак финал босқичида 2023 йили Тошкентда бўлиб ўтган “Катта дубулга” турнирида олтин медални кўлга киритган, сўнгра жаҳон чемпионати бронза медал соҳибаси неманиялик Маша Боллахусини, ярим финалда сўнги олимпиада вице-чемпиони, Европанинг амалдаги чемпиони, Франция дзюдо юлдузи Амандин Бушарни, финал баҳсида эса жаҳон рейтингига узидан кейин 2-ўринда турган косоалик Дистрия Красничини доғда қолдириб, нафақат дзюдо, балки спортимиз тарихида Олимпия ўйинларининг олтин медалига эга бўлди.

Албатта, бу ғалабани кўлга киритишнинг ўзи бўлмади ва буни биргина спортчининг ўзи урдалаши қийин. Диëранинг Олимпия ўйинлари ғолиби бўлиши, аввало, давлатимиз томонидан спортчиларга яратилаётган кенг имкониятлар самарасидир.

– Олимпия ўйинларидаги узоқ муддат тайёрландик. Ҳар бир рақибимиз кучли бўлишини билган эдим. Кучлиларни ютмагунимча, кучли бўла олмаслигини яхши тушуниб турган эдим. Мен ҳар бир баҳсда давлатимиз байроғини баланд кўтариб, ўзбек миллати дунёда ҳеч қандам кам эмаслиги ва кам бўлмаслигини исботлаш ҳақида ўйлаб беллашдим. Ҳа, бугун юртимизда Олимпия ўйинларига эришган қодир катта тажрибасига эга спортчилар сонни кўпайтмоқда. Улар дунё ареналарига дадил қадамлар билан кириб келмоқда. Ана шундай улкан зафарларни кўлга киритаётган фарзандлари бор юртинг келажаги буюк бўлади, деб ёздаи ЎА муҳбири Жавоҳир Тошхўжаев.

Умид қиламизки, XXXIII ёзги Олимпия ўйинларида Ўзбекистон шарафини ҳимоя қилаётган спортчиларимиз улкан ғалабалари билан халқимизни қувонтиришда давом этади.

Қонуннинг дастлабки муҳокамаси қизғин ўтди



Олий Мажлис Сенатининг Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитаси мажлисида "Сейсмик хавфсизликни таъминлаш тизими такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг дастлабки муҳокамаси бўлиб ўтди.

Унда Сенат аъзолари, Қорақалпоғистон Республикаси Жўрғорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгаши раиси раислари, қўмита хузуридаги экспертлар гуруҳи аъзолари, тегишли вазирлик ва идоралар мутасаддилари ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этдилар. Мажлисда сейсмик таъмирлардан ҳосил бўладиган зарарланишларни камайтириши мумкин бўлган бир қатор

илмий-техникавий, бошқарув ва таъминот тадбирлар, хусусан, иншоотларнинг сейсмик мустаҳкамлиги ва хавфсизлигини таъминлаш масалалари муҳокама қилинди.

Тадбирда вазирлик хузуридаги Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида назорат қилиш инспекцияси бошлиғи ўринбосари Азлар Содиқов сўзга чиқиб, қурилишда шаҳарсозликка оид қонун ҳужжатлари, шаҳарсозлик норма ва қоидалар

ри, давлат стандартларига риоя этилиши устидан давлат назоратини амалга ошириш ҳолати тўғрисида маълумот берди.

Қурилатган бино ва иншоотларнинг сейсмик заифлиги ўз навбатида аҳолининг соғлиги ва ҳаёт хавфсизлигига таъсир ўтказиши, шу маънода, давлатимиз раҳбарининг тегишли фармон ва қарорлари ижросини таъминлаш ҳамда шаҳарсозлик соҳасидаги мавжуд муаммоларни бартараф этиш мақсадида шаҳарсозликка оид қонунчилик талабларини бузганлик учун маъмурий ва жиноий жавобгарликни кучайтиришга қаратилган Қонун ишлаб чиқилди. Мазкур ҳужжатда ноқонуний қурилишларнинг олдини олиш, аҳолининг хавфсизлигини таъминлаш, қурилиш сифатини ошириш, содир этилган ҳуқуқбузарликларни камайтириш, жазо таъсирчанлигини ошириш ва бошқа бир қатор мақсадлар ўз аксини топган.

Мажлисда мамлакатимизда барпо этилаётган ва қайта таъмирланаётган бино-иншоотларнинг зилзилабардорлигини оширишда тегишли ташкилотларнинг масъулиятини кўпайтириш, шаҳарсозлик қонунчилигида белгиланган талабларга қатъий риоя этиш борасида назорат қилишни кучайтириш ҳамда содир этилган ҳуқуқбузарлик ва жиноятга жазо таъсирчанлигини ошириш зарурати юзага келгани алоҳида таъкидланди. Сенаторлар Қонуннинг маъқулланиши мамлакатимизда қурилишлар сифатини оширишга, бинолар ва иншоотлар қонунга хилоф равишда қурилишининг олдини олишга ҳамда шаҳарсозлик тўғрисидаги қонунчилик талабларига қатъий риоя этилишини таъминлашга хизмат қилишини таъкидладилар. Муҳокама якунида Қўмитанинг тегишли қарори қабул қилинди.

Рейд тадбирлари давом этмоқда

Санжар РАМИЗОВ, Тошкент шаҳар қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида ҳудудий назорат қилиш инспекцияси етакчи мутахассиси.

Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида назорат қилиш инспекцияси ҳамда Тошкент шаҳар Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида ҳудудий назорат қилиш инспекцияси мутахассислари томонидан пойтахтимиздаги бир қатор объектларда рейд тадбирлари ташкил этилди.



Ўтказилган тезкор рейд тадбири давомида Тошкент шаҳар, Юнусобод тумани, Шаҳристон кўчасидаги 1-уйнинг ертўла қисмида тадбиркор томонидан тегишли рухсатнома ва тасдиқланган лойиҳа ҳужжатларисиз ўзбошимчилик билан реконструкция ишлари амалга оширилаётганлиги аниқланди. Мазкур ҳолат юзасидан ўрганиш ишлари олиб борилиб, реконструкция ишлари зудлик билан тўхтатилди. Мавжуд ҳолатни аввалги ҳолатга қайтариш бўйича тегишли кўрсатмалар берилиб, қондбузарга тегишли чора кўрилди.

Ўрганишлар Миробод туманида ҳам давом этди. Ўрганиш давомида туманининг Яқка Чинор кўчаси, 6-уй, 37-хонадон мулкдори томонидан ўзбошимчилик билан хонадоннинг ички тўсиқ девор қисмига ўзгартириш киритилгани аниқланди. Ҳолат бўйича фуқаро Тошкент шаҳар Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида ҳудудий назорат инспекцияси томонидан МЖТКнинг 159-моддаси 3-қисми билан маъмурий жавобгарликка тортилди.

Булардан ташқари, Тошкент шаҳар Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида ҳудудий назорат қилиш

инспекцияси ҳамда "Тошкент шаҳар сув таъминоти" акциядорлик жамияти ходимлари ҳамкорлигида ичимлик сув тармоғига ноқонуний улашиш ва сувдан мақсадсиз фойдаланишнинг олдини олиш мақсадида ҳам рейд тадбирлари ташкил этилмоқда.

Ана шундай назорат тадбирлари Шайхонтоҳур туманида ҳам ўтказилди. Унда бир қатор объектларда сувдан ноқонуний равишда фойдаланилаётгани аниқланди. Ҳуқуқбузарларга нисбатан қонунда белгиланган тартибда чоралар кўрилди. Шунингдек, пойтахтимизнинг Мирзо Улуғбек тумани, Ҳабиб Абдуллаев ноли МФИда ҳам истеъмолчиларнинг ичимлик сувидан фойдаланишини мониторинг қилиш, ичимлик суви тармоқларига ноқонуний улашишларни аниқлаш бўйича назорат тадбирлари ўтказилди. Назорат тадбирлари давомида ичимлик сувидан қонуннинг белгиланмаган вақтида дов-дарактларни сўғориш ишлари амалга оширилди. Вазият бўйича тегишли тартибда МЖТКнинг 163-моддасига асосан инспекция ходимлари томонидан маъмурий баённомалар расмийлаштирилди.

Вилоятлардаги объектлар ўрганилмоқда

Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазири ўринбосари Тоир Алиматов Фарғона вилоятида Давлат дастури доирасида ҳамда "Янги Ўзбекистон" массивларида олиб борилаётган бунёдкорлик ишларини кўздан кечирди. Хусусан, вилоятнинг Фарғона туманида 5 000 нафар аҳоли учун мўлжалланган кўп қаватли турар жой массивида амалга оширилаётган ишларда йўл қўйилаётган айрим камчиликлар танқидий кўриб чиқилди.

Маълумот учун, ҳудудда 1-босқичда 10 та 293 хонадонли уй-жой, 3 та ижтимоий соҳа объекти, "Янги Ўзбекистон" боғини барпо этиш режалаштирилган. Ҳозирда 6 та 192 хонадонли уй-жойлар, 2 та МТТ, 1 та мактаб, 1 та поликлиника, сув иншооти, электр узатиш маркази (подстанция)да қурилиш ишлари олиб борилади.

Вазир ўринбосари Фарғона туманидаги "Янги аср" МФИда қурилатган массивдаги ҳар бир жараёни диққат билан кўздан кечирди. Объектда айрим камчилик ва муаммолар кўзга ташланади. Масалан, иншоот террасасининг бетон қисмига намгарчиликдан ҳимоя қилувчи темир листлар ўрнатилмаган. Бино пойдеворини сифатли гидроизоляция қилиш бўйича ҳам белгиланган нормаларга мувофиқ ишлар ташкил этилмаган.

Таъкидлаш кераки, ҳудуди 20,6 гектар, шундан 7,6 гектари "Янги Ўзбекистон" боғи бўлган лойиҳа доирасида жами 30 та 5, 7 қаватли 1227 хонадонли кўп қаватли уйлар, 5,5 га ер майдонида эса ижтимоий соҳа ҳамда инфратузилма объектларини барпо этиш кўзда тутилган.

Ўрганиш ишлари 2024 йил дастурига киритилган Қўқон шаҳридаги "Истиклол" МФИ ҳудудида жойлашган 16-сонли умумтаълим мактабида давом этди. Ушбу объектнинг лойиҳа ҳужжатлари "Қишлоққурилиш-лойиҳа" бош лойиҳа институтининг Фарғона вилояти филиали томонидан ишлаб чиқилган. Бош пудратчи "Замон қурилиш таъмир" МЧЖ томонидан реконструкция ишлари олиб борилаётган. Вазир ўринбосари томонидан ҳар бир қурилиш ишига катта масъулият билан қараш лозимлиги, йўл қўйилаётган камчиликларни ўз вақтида аниқлаш ва уларни бартараф этиш учун техник, муаллифлик ва ички назорат тадбирларини янада кучайтириш лозимлиги таъкидланди.

Шунингдек, Қўқон шаҳридаги яна бир объект – 44-сонли умумтаълим мактабида амалга оширилаётган қурилиш жараёнлари билан танишилганда, бир қатор камчиликлар аниқланди. Хусусан, лойиҳа ҳужжатларига гидроизоляция чоралари белгиланган ШНҚга асосан кўрсатилмаган. Яъни, 2 мм қалинликдаги бир қаватли қопламалардан фойдаланиш маълум талабларга жавоб бермайди. Лойиҳа ҳужжатларидан четга чиқиш ҳолатлари мавжуд, қурилиш маданиятига риоя қилинмапти, ишчи-ҳодимлар махсус форма ва ҳимоя каскаллари билан таъминланмаган. Шунингдек, мазкур қурилиш объектида "Қурилишда хавфсизлик техникаси" ШНҚ талабларининг бузилаётгани вазир ўринбосари томонидан кескин танқид қилинди ҳамда қурилиш масъулларига бажарилиши мажбурий бўлган кўрсатмалар берилди.

Ўрганиш ишлари Қашқадарёда ҳам давом этди. Дастлабки манзил Қарши шаҳридаги 5-умумтаълим



мактабида олиб борилаётган қурилиш-таъмирлаш ишларида белгиланган лойиҳадан четга чиқиш ҳолатлари кўзга ташланди. Қурилиш майдони чиқиндилардан тозаланмаган, гишт теришда оралқини тўлдирish талабига етарлича эътибор қаратилмаган. Ишчиларнинг техника хавфсизлиги меъёруларига амал қилмаслиги ҳам кескин танқид қилинди.

Тоир Алиматов Қарши шаҳри "Комилон" МФИдаги 7-сонли мактабга таълим ташкилотини ҳам кўздан кечирди. 120 ўринли таълим ташкилоти қурилишида айрим камчиликлар аниқланди. Вазир ўринбосари ишчилар билан мулоқот қилар экан, эртамиз эгалари бўлиши болалар учун қурилатган ушбу маскан ҳар томонлама сифатли бўлиши лозимлигини таъкидлади.

Булардан ташқари, Қарши шаҳри "Араловул" МФИдаги 31-сонли мактабни реконструкция қилиш объекти, Қарши туманидаги "Инфратузилмани ривожлантириш инжиниринг" компанияси давлат муассасаси бююртмачилигида қурилатган ҳамда реконструкция қилинаётган 57-сонли мактабда ҳам бир қатор камчиликлар аниқланди. Уларни бартараф этиш юзасидан масъулларга зарур вазифалар юкланди.

"Янги Ўзбекистон" массивлари қурилиши Қашқадарё вилоятида ҳам бошлаб юборилган. Хусусан, Қарши шаҳрининг Чаман маҳалласи ҳудудидан массив қурилиши учун қарийб 64 гектар ер майдони ажратилди. Вазир ўринбосари мазкур массив лойиҳасини кўриб чиқди. Объектда қилинган ишлар қатори айрим муаммолар ҳам аққол кўзга ташланмоқда. Масалан, армокаркасларнинг монтаж жараёнлари талабга жавоб бермайди. Хусусан, сифатли гидроизоляция қилиш бўйича ҳам белгиланган нормаларга мувофиқ ишлар ташкил этилмаган. Ҳар бир қилинган иш диққат билан ўрганилиб, айрим ҳолатлар жойида тўғриланди, баъзи масалалар бўйича мутасаддиларга керакли вазифалар топширилди.

Мутахассислар "Тошуйжой ЛИТИ" АЖДа

Вазирлик хузуридаги Компетенцияни ривожлантириш институтини мутахассислар иштирокида "Тошуйжой ЛИТИ" АЖДа учрашув ташкил этилиб, институт фаолияти ҳақида тақдимот ўтказилди. Тадбирда соҳа мутахассисларини сертифициқлашнинг ҳуқуқий асослари, белгиланган вазифалар муҳокама қилинди.

Таъкидлаш лозимки, соҳадаги замонавий ёндашувлар, янги талаблар мутахассисларни қайта тайёрлаш, малакасини ошириш талаб этади. Мулоқот чоғида ана шу жиҳатларга алоҳида тўхталиб ўтилди. Узаро самимий руҳда кечган мулоқотда мутахассислар ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олдилар.

Мутасаддилар бошчилигида семинар

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 11 майдаги ПҚ-240-сонли қарорига қўра, "Э-Антикоррупция" лойиҳаси доирасида давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, шу жумладан, уларнинг ҳудудий бўлинмалари, давлат унитар корхона ва муассасалари, давлат улуши 50 фоиздан юқори ташкилотлар фаолиятидаги коррупцион хавф-хатарларни мажбурий аниқлаш ва баҳолаш бўйича бир қанча вазифалар белгиланган.

Тошкент шаҳар Қурилиш бош бошқармасида мазкур ҳужжат ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 20 апрелдаги "Қурилиш соҳасига оид ягона маъмурий қурилиш регламентларини тасдиқлаш тўғрисида"ги 200-сонли қарорларининг ижросини таъминлаш мақсадида вазирлик мутасаддилари бошчилигида семинар ташкил этилди. Унда бошқарма ходимлари ҳам бир давлат хизматчиси ўз фаолияти давомида коррупцион ҳолатларга йўл қўймасликлари лозимлиги, бу каби ҳолатларга аралашиб қолишларининг оқибатлари тушунтирилди.



Бунёдкорлик ишларида депутатлар ҳам фаол

Шоҳижаҳон АШУРОВ, Халқ депутатлари Когон тумани Кенгаши котибияти бош мутахассиси.

Бунёдкор аждоқларнинг асл давомчилари бўлган фуқаролик қурувчилар томонидан барпо этилаётган янги иншоотлар вилоят кўрқига кўрк қўшмоқда. Бу жараёнда нафақат соҳа вакиллари, балки жамиятимизнинг фаол инсонлари ҳам ўз меҳнати билан катта ҳисса қўшаётганини эътироф этиш лозим.

Яқинда туманимиз депутати Худоев Собиров ташаббуси билан Бухоро шаҳрида Универсал спорт мажмуаси барпо этилди. Мазкур спорт комплекси 4000 кишига мўлжалланган. Умумий майдони 6,32 гектарни ташкил қилади. Мажмуа 9 блок ва икки қаватдан иборат бўлиб, унда 346 та хона мавжуд. Мажмуани ишга тушириш орқали келгусида спортнинг 12 та тури бўйича мусобақаларни ўтказиш имкони мавжуд бўлади. Комплекс ҳудудида футбол, баскетбол, волейбол майдонлари, бокс ва шахмат мактаблари, югуриш йўлакчаси, ресторан, ошхона ва 300 автомо-

билга мўлжалланган автотураргоҳ ҳам мавжуд.

Ушбу мажмуа лойиҳаси "Узшаҳар-созлик ЛИТИ" бош лойиҳа институти давлат муассасаси мутахассислари томонидан ишлаб чиқилган. Пудратчи "Когон нефтегазэнерго сервис" МЧЖ қурувчилари эса лойиҳани бекаму кўст амалга оширишда жонбозлик кўрсатишди.

Таъкидлаш жоизки, туманимиз депутатлари халқимиз равнақи, уларнинг келажакдаги озуларни ушалиши, мақсадлари амалга ошиши йўлида хизмат қилишда давом этади.

Правительство Республики Узбекистан

получило финансирование от Всемирного банка на реализацию проекта "Развитие сельской инфраструктуры" и намерено направить часть вырученных средств на выплаты по контракту для выполнения проектно-изыскательских работ и разработки рабочего проекта "под ключ" по следующим объектам:

Номер контракта	Наименование объекта	Расчётная стоимость Заказчика (сум без НДС)	Срок сдачи проекта (календарных дней)
MOEI-RIDP-FER-CS-56	Реконструкция электроснабжения населенного пункта МСГ "Дустлик" Куштепинского района Ферганской области	28 192 400	35
MOEI-RIDP-FER-CS-57	Реконструкция электроснабжения населенного пункта МСГ "Истиклол" Куштепинского района Ферганской области	55 567 600	35
MOEI-RIDP-FER-CS-58	Реконструкция электроснабжения населенного пункта МСГ "Кийки" Куштепинского района Ферганской области	43 796 400	35
MOEI-RIDP-FER-CS-59	Реконструкция электроснабжения населенного пункта МСГ "Камиштепа" Куштепинского района Ферганской области	53 045 200	35
MOEI-RIDP-FER-CS-60	Реконструкция электроснабжения населенного пункта МСГ "Бостон" Куштепинского района Ферганской области	70 810 000	35
MOEI-RIDP-FER-CS-61	Реконструкция электроснабжения населенного пункта МСГ "Кумтепа" Куштепинского района Ферганской области	111 219 600	45
MOEI-RIDP-FER-CS-62	Реконструкция электроснабжения населенного пункта МСГ "Ватан" Куштепинского района Ферганской области	50 682 000	35
MOEI-RIDP-FER-CS-63	Реконструкция электроснабжения населенного пункта МСГ "Янгидукон" Куштепинского района Ферганской области	24 972 400	35
MOEI-RIDP-FER-CS-64	Реконструкция электроснабжения населенного пункта МСГ "Сармозор" Куштепинского района Ферганской области	117 946 000	45
MOEI-RIDP-FER-CS-65	Реконструкция электроснабжения населенного пункта МСГ "Шакар" Куштепинского района Ферганской области	57 072 080	35
MOEI-RIDP-FER-CS-66	Реконструкция электроснабжения населенного пункта МСГ "Шодлик" Куштепинского района Ферганской области	28 312 400	35
MOEI-RIDP-FER-CS-67	Реконструкция электроснабжения населенного пункта МСГ "Хужакишлок" Куштепинского района Ферганской области	21 272 400	35
MOEI-RIDP-FER-CS-68	Реконструкция электроснабжения населенного пункта МСГ "Тошоша" Фуркатского района Ферганской области	153 154 500	45
MOEI-RIDP-FER-CS-69	Реконструкция электроснабжения населенного пункта МСГ "Уртакургон" Фуркатского района Ферганской области	168 541 140	45
MOEI-RIDP-FER-CS-70	Реконструкция электроснабжения населенного пункта МСГ "Гулистон" Язьяванского района Ферганской области	21 692 400	35
MOEI-RIDP-FER-CS-71	Реконструкция электроснабжения населенного пункта МСГ "Сувлиарик" Язьяванского района Ферганской области	50 808 120	35
MOEI-RIDP-FER-CS-72	Реконструкция электроснабжения населенного пункта МСГ "Дустлик" Язьяванского района Ферганской области	23 692 400	35
MOEI-RIDP-FER-CS-73	Реконструкция электроснабжения населенного пункта МСГ "Чулигулистон" Язьяванского района Ферганской области	25 552 400	35
MOEI-RIDP-FER-CS-74	Реконструкция электроснабжения населенного пункта МСГ "Кургонча" Язьяванского района Ферганской области	46 456 980	35
MOEI-RIDP-FER-CS-75	Реконструкция электроснабжения населенного пункта МСГ "Гузарбоши" Язьяванского района Ферганской области	37 732 400	35
MOEI-RIDP-FER-CS-76	Реконструкция электроснабжения населенного пункта МСГ "Ленбур" Сохского района Ферганской области	46 478 000	35
MOEI-RIDP-FER-CS-77	Реконструкция электроснабжения населенного пункта МСГ "Зангат" Сохского района Ферганской области	47 318 800	35
MOEI-RIDP-FER-CS-78	Реконструкция электроснабжения населенного пункта МСГ "Какир" Сохского района Ферганской области	67 489 000	35
MOEI-RIDP-FER-CS-79	Капитальный ремонт, асфальтирование внутренних дорог 5-категории в МСГ "Дустлик" Куштепинского района Ферганской области	69 643 150	35
MOEI-RIDP-FER-CS-80	Капитальный ремонт, асфальтирование внутренних дорог 5-категории в МСГ "Истиклол" Куштепинского района Ферганской области	72 727 000	35
MOEI-RIDP-FER-CS-81	Капитальный ремонт, асфальтирование внутренних дорог 5-категории в МСГ "Камиштепа" Куштепинского района Ферганской области	73 608 100	35
MOEI-RIDP-FER-CS-82	Капитальный ремонт, асфальтирование внутренних дорог 5-категории в МСГ "Бустон" Куштепинского района Ферганской области	53 919 520	30
MOEI-RIDP-FER-CS-83	Капитальный ремонт, асфальтирование внутренних дорог 5-категории в МСГ "Кумтепа" Куштепинского района Ферганской области	79 511 470	35
MOEI-RIDP-FER-CS-84	Капитальный ремонт, асфальтирование внутренних дорог 5-категории в МСГ "Ватан" Куштепинского района Ферганской области	67 424 380	35
MOEI-RIDP-FER-CS-85	Капитальный ремонт, асфальтирование внутренних дорог 5-категории в МСГ "Янгидукон" Куштепинского района Ферганской области	88 939 240	35
MOEI-RIDP-FER-CS-86	Капитальный ремонт, асфальтирование внутренних дорог 5-категории в МСГ "Сармозор" Куштепинского района Ферганской области	129 646 060	40
MOEI-RIDP-FER-CS-87	Капитальный ремонт, асфальтирование внутренних дорог 5-категории в МСГ "Дехонобод" Куштепинского района Ферганской области	109 268 620	40
MOEI-RIDP-FER-CS-88	Капитальный ремонт, асфальтирование внутренних дорог 5-категории в МСГ "Шакар" Куштепинского района Ферганской области	99 768 760	40
MOEI-RIDP-FER-CS-89	Капитальный ремонт, асфальтирование внутренних дорог 5-категории в МСГ "Шодлик" Куштепинского района Ферганской области	102 508 180	40
MOEI-RIDP-FER-CS-90	Капитальный ремонт, асфальтирование внутренних дорог 5-категории в МСГ "Хужакишлок" Куштепинского района Ферганской области	88 410 580	35
MOEI-RIDP-FER-CS-91	Капитальный ремонт, асфальтирование внутренних дорог 5-категории в МСГ "Хайит" Фуркатского района Ферганской области	123 013 780	40
MOEI-RIDP-FER-CS-92	Капитальный ремонт, асфальтирование внутренних дорог 5-категории в МСГ "Чилгижйда" Фуркатского района Ферганской области	146 531 140	40
MOEI-RIDP-FER-CS-93	Капитальный ремонт, асфальтирование внутренних дорог 5-категории в МСГ "Эски" Фуркатского района Ферганской области	113 610 040	40

Номер контракта	Наименование объекта	Расчётная стоимость Заказчика (сум без НДС)	Срок сдачи проекта (календарных дней)
MOEI-RIDP-FER-CS-94	Капитальный ремонт, асфальтирование внутренних дорог 5-категории в МСГ "Кичик янги" Фуркатского района Ферганской области	136 358 440	40
MOEI-RIDP-FER-CS-95	Капитальный ремонт, асфальтирование внутренних дорог 5-категории в МСГ "Гулистон" Язьяванского района Ферганской области	71 125 000	35
MOEI-RIDP-FER-CS-96	Капитальный ремонт, асфальтирование внутренних дорог 5-категории в МСГ "Сувлиарик" Язьяванского района Ферганской области	108 051 100	40
MOEI-RIDP-FER-CS-97	Капитальный ремонт, асфальтирование внутренних дорог 5-категории в МСГ "Дустлик" Язьяванского района Ферганской области	113 081 380	40
MOEI-RIDP-FER-CS-98	Капитальный ремонт, асфальтирование внутренних дорог 5-категории в МСГ "Чулигулистон" Язьяванского района Ферганской области	85 302 700	40
MOEI-RIDP-FER-CS-99	Капитальный ремонт, асфальтирование внутренних дорог 5-категории в МСГ "Кургонча" Язьяванского района Ферганской области	86 584 300	35
MOEI-RIDP-FER-CS-100	Капитальный ремонт, асфальтирование внутренних дорог 5-категории в МСГ "Гузарбоши" Язьяванского района Ферганской области	107 170 000	40
MOEI-RIDP-FER-CS-101	Капитальный ремонт, асфальтирование внутренних дорог 5-категории в МСГ "Ленбур" Сохского района Ферганской области	74 237 686	35
MOEI-RIDP-FER-CS-102	Капитальный ремонт, асфальтирование внутренних дорог 5-категории в МСГ "Зангат" Сохского района Ферганской области	67 120 000	35
MOEI-RIDP-FER-CS-103	Капитальный ремонт, асфальтирование внутренних дорог 5-категории в МСГ "Какир" Сохского района Ферганской области	43 493 704	30
MOEI-RIDP-FER-CS-104	Строительство мини-футбольной площадки в МСГ "Дустлик" Куштепинского района Ферганской области	29 072 400	30
MOEI-RIDP-FER-CS-105	Строительство открытой футбольной площадки, беговой дорожки, баскетбольной и волейбольной площадки в МСГ "Истиклол" Куштепинского района Ферганской области	53 300 540	35
MOEI-RIDP-FER-CS-106	Строительство спортивной площадки в МСГ "Камиштепа" Куштепинского района Ферганской области	37 492 400	30
MOEI-RIDP-FER-CS-107	Строительство здания в школе №5 МСГ "Кумтепа" Куштепинского района Ферганской области	91 883 090	40
MOEI-RIDP-FER-CS-108	Капитальный ремонт здания школы №11 МСГ "Гулистон" Язьяванского района Ферганской области	47 080 000	30
MOEI-RIDP-FER-CS-109	Строительство мини-футбольной площадки в МСГ "Сувлиарик" Язьяванского района Ферганской области	31 632 400	30
MOEI-RIDP-FER-CS-110	Строительство дополнительного здания к семейной поликлинике №35 в МСГ "Чулигулистон" Язьяванского района Ферганской области	68 351 200	35
MOEI-RIDP-FER-CS-111	Строительство здания ДОУ на 120 мест в МСГ "Сарибозорча" Сохского района Ферганской области	140 750 532	40
MOEI-RIDP-FER-CS-112	Строительство футбольной спортивной площадки в МСГ "Ленбур" Сохского района Ферганской области	45 376 000	30
MOEI-RIDP-FER-CS-113	Строительство моста в МСГ "Ленбур" Сохского района Ферганской области	51 192 400	30
MOEI-RIDP-FER-CS-114	Капитальный ремонт системы отопления в школе № 25 МСГ "Зангат" Сохского района Ферганской области	33 702 400	30
MOEI-RIDP-FER-CS-115	Строительство мини-футбольной спортивной площадки в МСГ "Какир" Сохского района Ферганской области	39 272 400	30
MOEI-RIDP-FER-CS-116	Строительство системы водоснабжения в МСГ "Кийки" Куштепинского района Ферганской области	246 289 300	40

ГУП "Служба заказчика в сфере капитального строительства" Ферганского областного хокимията

приглашает проектные организации принять участие в торгах на выполнение вышеописанных работ. Торги будут проводиться в соответствии с процедурами национальных конкурсных торгов (НКТ), установленными в "Правилах закупок для заемщиков ФИП Всемирного банка" и в нем могут принять участие любые участники из правомочных стран, как определено в Правилах.

Более подробная информация об услугах приведена в Техническом задании.

Заинтересованные правомочные участники торгов могут получить более подробную информацию в Государственном учреждении "Консалтингового центра по организации государственных закупок в сфере строительства по Ферганской области" и ознакомиться с конкурсной документацией в рабочее время с 9.00 до 18.00 по нижеуказанному адресу.

Полный комплект конкурсной документации на русском языке может быть приобретен заинтересованными участниками торгов по предоставлению письменной заявки по нижеуказанному адресу и оплаты невозмещаемого взноса. Оплата для покрытия расходов по распечатке и рассылке/транспортных расходов составляет **340 000 сум.**

Получатель: ГУ "Консалтинговый центр по организации государственных закупок в сфере строительства по Ферганской области".

Банковские реквизиты: Ферганский филиал "InFinBank" р/с: 2021 0000 2037 6761 8001 ИНН: 202 529 457 МФО: 01128.

Конкурсные предложения (однопакетные) должны быть действительными в течение 60 дней после вскрытия конкурсных предложений и сопровождаться **Декларацией об обеспечении конкурсного предложения** по прилагаемой к конкурсной документации форме.

Конкурсные предложения должны быть доставлены по указанному адресу не позднее 18:00 (по ташкентскому времени) **13 августа 2024 г.**, где они будут вскрыты в присутствии участников торгов, желающих принять участие в этом процессе. Заподозрившие предложения будут отклонены. **Цены конкурсных предложений должны быть указаны без НДС.**

Организация для подачи предложений: ГУ "Консалтинговый центр по организации государственных закупок в сфере строительства по Ферганской области".

Адрес: Ферганская область, г. Фергана, ул. С. Темура, дом, 111"б".
Тел.: (99899) 615-68-91.
E-mail: fartender@mail.ru

Представитель консалтингового центра: М. Содиков.

ТАДБИРКОРЛАР ВА САРМОЯДОРЛАР ДИҚҚАТИГА!

"Zamonaviy realtor xizmati" МЧЖ

ОЧИҚ ТАНЛОВ САВДОЛАРИГА ТАКЛИФ ЭТАДИ!

"Zamonaviy realtor xizmati" МЧЖ томонидан ташкил этиладиган очик танлов савдоларига "Чилонзор буюм савдо комплекси" АЖнинг 2024 йил 19 июлдаги 637-сонли буюртманомасига асосан, "Чилонзор буюм савдо комплекси" АЖ худудида жойлашган савдо шохобчаларининг ижарага олиш ҳуқуқи бошланғич баҳоси ўзгарган ҳолда такроран қўйилмоқда:

№	Савдо шохобчаларининг асосий тавсифлари	Бошланғич баҳоси, сўмда
1.	9-1-13а сонли, умумий майдони 23,50 м² бўлган савдо шохобчаси	105 750 000
2.	9-1-14а сонли, умумий майдони 23,50 м² бўлган савдо шохобчаси	105 750 000
3.	9-1-15а сонли, умумий майдони 23,50 м² бўлган савдо шохобчаси	105 750 000
4.	9-1-16а сонли, умумий майдони 7,50 м² бўлган савдо шохобчаси	33 750 000
5.	9-1-17а сонли, умумий майдони 7,50 м² бўлган савдо шохобчаси	33 750 000
6.	9-1-18а сонли, умумий майдони 23,50 м² бўлган савдо шохобчаси	105 750 000

№	Савдо шохобчаларининг асосий тавсифлари	Бошланғич баҳоси, сўмда
7.	45-9 сонли, умумий майдони 8,00 м² бўлган савдо шохобчаси	48 000 000
8.	40-12 сонли, умумий майдони 3,50 м² бўлган савдо шохобчаси	21 000 000
9.	45-10 сонли, умумий майдони 12,00 м² бўлган савдо шохобчаси	72 000 000
10.	45-11 сонли, умумий майдони 12,00 м² бўлган савдо шохобчаси	72 000 000
11.	45-12 сонли, умумий майдони 12,00 м² бўлган савдо шохобчаси	72 000 000
12.	45-13 сонли, умумий майдони 12,00 м² бўлган савдо шохобчаси	72 000 000

Савдода иштирок этиш истагани билдирган талабгорлардан аризалар ушбу хабарнома чоп этилган санадан бошлаб расмий иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (13.00 дан 14.00 гача тушлик). Таклифларни қабул қилишнинг охири мuddати: 2024 йил 16 август куни соат 16.00 гача. Талабгорларнинг таклифлари 2024 йил 21 август куни соат 11.00 дан бошлаб

қўриб чиқилади. Энг юқори таклифни берган талабгор билан сотувчи ўртасида келишув битими тузилади.

Танлов савдо шу куни бўлиб ўтмаган тақдирда, такрорий савдолар 2024 йил 21 август, 4, 18 сентябрь, 2, 17, 31 октябрь, 14, 28 ноябрь, 12, 26 декабрь кунлари сотилгунга қадар соат 11.00 да ўтказилади.

Савдода қатнашиш учун талабгорлар ёпиқ конвертда солинган таклифлари ва ариза билан биргаликда қуйидаги ҳужжатларни такдим этиши:
юридик шахслар – давлат рўйхатидан ўтказилгани тўғрисидаги гувоҳноманинг нусхаси;
жисмоний шахслар – СТИР ва паспортнинг нусхаси.

Талабгорлар ижарага олиш ҳуқуқининг 50 фоиздан кам бўлмаган миқдордаги суммани зақалат сифатида "Zamonaviy realtor xizmati" МЧЖнинг қуйидаги ҳисоб рақамига савдода иштирок этиш учун ариза топширгунга қадар тўлашлари шарт: 2020 8000 9057 4042 7002 ХАТБ "Davr-bank" Олмазор филиали МФО 01121 СТИР 311 041 441.

Таклифи маъқул топилган талабгорга савдо ўтказилган кундан бошлаб 20 банк куни ичида сотувчи билан ижара шартномаси тузиш мажбурияти юклатилади.

Савдо ташкилотчиси жойлашган, савдолар ўтказиладиган ва савдода иштирок этиш учун аризалар қабул қилинадиган манзил: Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Ҳамид Олижон кўчаси, 13-А" уй.
Телефон: 71-237-23-82.

